

ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

2023-yil
4-oktyabr
CHORSHANBA
№ 73 (13632)

МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНДИ



Қибрай туманида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали маросим ўтказилди.

Эҳтиром



Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, вилоят фаоллари, тизимда меҳнат қилаётган фидойи ва илғор ўқитувчилар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққан Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев барча устозларга ўзининг илқ тилаklarини билдириб, Президентимизнинг соҳа ходимларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

4



Вилоят бўйлаб

ТОШКЕНТ вилояти сардорлари форуми ўтказилди. Унда 22 та туман-шаҳарлардаги ёшлар сардорлари ўз йўналишлари бўйича келгуси режаларини таништиришди.

Вилоятимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси тадбирлари давом этмоқда.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун 6 та ўрмон хўжалиги кўчатхоналарида парваришланаётган 3 миллион 788 минг, шунингдек, хусусий кўчат етиштирувчи 30 дан ортик тадбиркорлик субъектларида 2 миллион 445 минг донга кўчат захиралари мавжуд.

ОКМК акциядорлик жамияти ва "KfW-IPEX Bank" немис банки билан янги Мис эритиш комплексининг қурилишини молиялаштириш мақсадида йирик сармоявий ҳажмдаги мандат имзоланди.

ПИСКЕНТ туманининг "Сувти" маҳалласида "Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла" тамойили асосида ҳашар ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон кўчасининг пиёдалар юриш йўлакчасидаги маҳсус чизиқлар янгиланди.

БЕКБОД туманининг пахта далаларида журналистлар учун пресс-тур ташкил этилди. Медиа-тадбирда журналистлар ҳам пахта териш жараёнида қатнашди.

ЗАНГИОТА туманидаги Ёшлар марказида 10 минг китоб фондига эга янги кутубхона фойдаланишга топширилди.

Гамхўрлик

МЎЙНОҚҚА МАДАД

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳудудлар ривожига ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасига қилган ташири давомида Оролбўйи ҳудудини биргалликда ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон туманлари биттадан вилоятга бириктирилган эди.

Хусусан, Мўйноқ ҳудуди вилоятимизга бириктирилиб, тегишли туман ва шаҳар ҳокимлари, фаол тадбиркорлар ҳамда бошқа мутасадди ташкилот раҳбарлари у ердаги вазиятни ўрганишган ва "Мўйноққа мадад" лойиҳаси доирасида амалий саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Айни шу хайрли ишларнинг давоми сифатида Тошкент туманига бириктирилган ҳудуд Орол бўйида яна бир мажмуа – "Арал Плаза" меҳмонхона-ресторани фойдаланишга топширилди. Куни кеча унинг тантанали очилиш маросими бўлди.

– Бу туристик комплексимизда ҳоржлик меҳмонлар учун барча шароит-

лар муҳайё этилган, – дейди "VISHE KRISHI TASHKENT" МЧЖ раҳбари ўринбосари Саиданвар Саидмақалов. – Хусусан, мазкур объектда 120 ўринли ётоқхона, 100 кишилик замонавий ресторан мавжуд. Бу лойиҳани амалга ошириш натижасида Мўйноқ туманининг ўзидан 50 нафар аҳоли иш билан таъминланди.

Тошкент тумани тадбиркорлари томонидан 2022-2023 йилларда Мўйноқ туманида умумий қиймати 18,5 млрд. сўм (шундан 16 млрд. сўм ўз маблағи, 2,5 млрд. сўм банк кредити) миқдоридаги маблағлар ҳисобига 2 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Эрали НОРБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ВА ЁРДАМЛАР КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳоли оғир ижтимоий ҳолатга тушиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш мақсадида:

1. 2023 йил 15 октябрдан бошлаб 1-иловага мувофиқ дастлаб 28 та туман (шаҳар)ларда эксперимент тартиқида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар гуруҳлари кўрсатадиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамларнинг янги тизими йўлга қўйилсин.

2. Қуйидагилар туман (шаҳар)лардаги "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларидаги ижтимоий ходимлар гуруҳлари (кейинги ўринларда – ижтимоий ходимлар)нинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

оғир аҳолига тушиб қолган ва оғир аҳолига тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилаларга (кейинги ўринларда – ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли) бевосита маҳалла даражасида комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатиш; ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини баҳолаш орқали уларга индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режаларини (кейинги ўринларда – индивидуал ижтимоий хизматлар режаси) ишлаб чиқиш;

индивидуал ижтимоий хизматлар режасига мувофиқ ижтимоий хизматлар ва ёрдамларнинг кўрсатилишини ташкил қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда индивидуал ижтимоий хизматлар режасига тегишли тузатишлар киритиб бориш;

ички ресурсларни, шу жумладан ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўнгилчиларни (қариндошлар, қўни-қўшнилар, волонтерлар) ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишга жалб қилиш ҳамда уларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

аҳолига давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар тўғрисида, шунингдек, аҳолининг мазкур хизматларни олишга бўлган ҳуқуқлари бўйича тушунтириш бериш.

Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишда ижтимоий ходимларга ҳар томонлама кўмак бериш бўйича шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланади.

3. Белгилансинки:

2023 йил 15 октябрдан бошлаб талабгорларни ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш ёки бекор қилиш, шунингдек, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатига киритиш (ундан чиқариш) "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларининг қарорига асосан амалга оширилади;

"Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари директорларига муайян ашаш жойига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини Агентлик ҳузуридаги уй-жой фондига эга бўлган муассасаларга олти ой муддатгача вақтинча рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи берилди.

4. Республика миқёсида ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н. Арипов мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган 28 та туман (шаҳар)ларда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилишининг янги тизимини йўлга қўйиш жараёнида юзага келадиган тизимли муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриб бориш.

Қайд этилсинки, эксперимент даврида туман (шаҳар) ҳокимликлари "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларида аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни кўрсатиш тизимини ташкил этиш бўйича "йўл хариталари"ни тасдиқлайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси – Агентлик директори М.П. Оллоёров икки ой муддатда эксперимент натижаси бўйича ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар тизимини барча ҳудудларда жорий этиш бўйича таклиф киритсин.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

СИГИРНИНГ СУТИ "ТИЛИДА"

Чорвачилик

Тошкент туманидаги "Роҳатой" фермер хўжалигида ҳар куни эрта тонгда бир ярим литрлик идишларга солинган сутлар қатор туради. Уларнинг сони ишчилар сонига тенг. Хўжалик раҳбари Жўравой ака Маҳаматов ҳар кунлик оқликда ишчилар болаларининг ҳақи бор, дейди. Бу хўжаликда бир неча йиллик анъанага айланган.

Жўравой ака 70 ёшдан ошган бўлишига қарамай бардам кўринади. Бунинг сари одамларга яхшилик қилиш ва ҳалол меҳнатда, деб ҳисоблайди. У раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги бугун илгорлар сафида. Бу кунларга етиш эса осон бўлмаган.

Меҳнат фаолиятини 1969 йилда ҳайдовчиликдан бошлаган йигит, дастлаб фермада сут соғувчиларни автобусда ташиб юрди.

1976 йилда колхоз раиси уни қақ-

риб, сигир соғувчиликка таклиф қилди. Жўравой ака бу гапни ҳазил деб ўйлади. Аммо ўйлаб кўриб, рози бўлди. Шу тариқа 1,5 йил сигир соғди. Бу хабар нафақат республикага, балки собиқ иттифоққа ёйилди.

Жўравой ака фермада иш танлаб ўтирмади. Шу сабабли, ўтган йиллар давомида катта тажриба орттириб, чорвачиликнинг миридан-сиригача ўрганди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶





Ўтган ҳафтада пойтахтимизда XV Тошкент халқаро кинофестивали ўз ишини бошлади...



"Дубляж санъати тарихи" китобининг тақдимоти ўтказилди



Ўзбек дубляж санъати даргалари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашган тадбирда...

Миллий дубляж санъатимиз жуда бой тарихга эга, дейди дубляж санъати устаси...

Ноёб топилма

Оҳангарон заминида яширинган ХАЗИНА



Ўзбекистон Фанлар академияси Миллий археология маркази академик Аҳмадали Асқаров илмий раҳбарлигида...

Дастлаб 12Х12 ўлчамдаги майдон очилиб, кейинчалик иншоот ўрни деворларга мос равишда кенгайтириб борилди...

гик қиёфасини тасаввур қилишимиз билан бирга, маъмурий соҳада аёл кишининг маъкеи сезиларли даражада бўлганини кўрсатади...

очилган хоналарнинг кўпчилигида тўрт томон деворининг гиштлари тўрт хил услубда терилган...

СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

Қилмиш-қидирмиш

Узоқ тергов ва суриштирув жараёнларидан сўнг суд ҳукми ўқилиб, жазо ҳам тайинланди...

Гап шундаки, Тошкент туманида истикомат қилиб келаётган А.А. 12-13 ёшда қиз...

асосан, маъруза, мақола ва нашид кўринишидаги видео, аудио материалларни юклаб олиб...



Шунинг таъсирида, мукамал илм ва кўникмаларни эгаллашдан туриб, ўзидан диний тарғиботчи "ясаб олади"...

мазкур диний материалларнинг аксарияти ақидাপарастлик гоялари билан йўғрилган...

чи "Сабр эй ақса", "Содиқлар билан бирга қил", "Дорбуна дарбун"...

Бироқ, А.А. бу материалларнинг қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида ўйлаб кўрмайди...

айбига тўлиқ иқrorлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оиланинг яқка боқувчиси эканлиги инobatга олиниб...

Аллома АЗИЗОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Халқимизда "Оғзи куй-ган қатиқчи ҳам пуфлаб ичади", деган нақл бор...

Жисмонан соғлом, тоғни урса талқон қилладиган ёшда бўлишига қарамасдан Т.Т. энгил йул билан пул топишни ўйлади...



Т.Т. ноқонуний бойлик орттириш ва ўзининг истеъмоли учун "ташиш" гиёҳвандлик моддасини олиш максатига эришди...

бабли, таниши С.Б.га илтимос қилиб, асл мақсадини айтмай, Western Union хизмати орқали унинг номидан Тожикистондаги Т.Ш.га 3 минг АҚШ долларини юборди...

Ораддан бироз вақт ўтгач, Я.Б. аёл шериги Т.Ш.нинг уйига кўп миқдорда "ташиш" моддасини етказиб, Тожикистондан Ўзбекистонга контрабанда қилиш учун унга анчагина пул беради...

"ПИШМАГАН" САВДО

даги "Ойбек" божхона чегара постидан олиб ўтишга эришади. Чегарадан муваффақиятли ўтган она-бола турмуш ўртоғи М.И. билан биргаликда олдиндан келишилган ҳолда контрабанда қилинган гиёҳванд моддани Тошкент шаҳри, Олмазор туманида яшовчи С.Т.га топширилади...

Шу орада Т.Т. Тожикистондан буюртмаси келганини эшитиб, ўша куннинг ўзидаёқ телефон орқали С.Т. билан боғланиб, "посилка"ни олади ва уйининг жохатхонасига яшириб қўяди...


Сўраган эдингиз

Қарз берганлиги тўғрисида нота-риус томонидан тасдиқланган ҳужжат бўлганда ҳам пулини ололмаётганлар ҳақида эшитганмиз...

Иззат РЎЗИБОВ Оҳангарон шаҳри

Саволга Оҳангарон шаҳар адлия бўлими бошлиғи, 1-даражали юрист Соли ҲАКИМОВ жавоб беради:

Авалламан, қарз ўзи нима деган саволга жавоб берсак. Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул ёки бошқа ашёларни мулк қилиб беради...



таъминланиши мумкин. Бундан ташқари, фуқаролардан шу нарса-ни илтимос қилган бўлардики, агар нотариал идорага боришининг имкони бўлмаса, қарз олувчидан қарз олганлиги ҳақида тилхат ёздириб олиш мақсадга мувофиқ...

Қарз шартномаси бўйича мажбуриятининг бажарилиши жарима (неустойка), гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафилиқ, кафолат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан...

Мен хотиним билан расмий никоҳ (ФХД)дан ўтманман. Ҳозирда икки нафар фарзандимиз бор. Улар никоҳда туғилган болалар билан тенг ҳуқуққа эгамми?

Музаффар ЙЎЛДОШЕВ Янгийул тумани

Саволга Оҳангарон шаҳар адлия бўлимининг ФХД бўлими мудираси Раъно МАСАДИКОВА жавоб беради:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни...



ва никоҳсиз туғилган болалар тенг ҳақда ҳар тарафлама химоядан фойдаланади. Давлат боланинг барча шаклларида камситишлар ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир болага инсон ҳақда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланади. Никоҳда...

дан химоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради. Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Нодира АҲМЕДОВА

МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНДИ



Байрам арафасида Президент қарори билан Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган вилоятдаги бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар вилоят ҳоқимлигининг фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан таълимга берилётган эътибор самарасида бу йил вилоятда 887 та давлат умумтаълим мактаби билан бир қаторда 2 та нодавлат, 17 та хусусий мактаб ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Вилоятдаги 13 та (7 та давлат, 6 та нодавлат) олий таълим муассасасида жами 67 мингдан зиёд талаба тахсил оляпти. "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да мактаб таълимига берилётган эътиборнинг меваси сифатида битирувчиларнинг 1 минг 215 нафари муддати-

дан олдин энг нуфузли хорижий олий ўқув юртли талабасига айланишди, 96 нафари эса халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишди. Бунда фидойи ўқитувчиларнинг меҳнати каттадир.

Ўз навбатида жойлардаги 44 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, 5 та мактаб янгидан бунёд этилди. Янги ўқув йилида вилоятдаги 887 умумтаълим мактабда 527 минг 743 нафар, шундан 1-синфларда 57 минг 77 нафар ўқувчи тахсил олмақда.

Устозлар байрами вилоятимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки кайфиятда нишонланди.

Абдулазиз МУСАЕВ
Жалолiddин ЭСОHOV олган суратлар

"ГАЗЕТА – ЎҚИШ УЧУН ЧОП ЭТИЛАДИ"



Поётахтимиздаги Абдулла Қодирий уй-музейида ёш ижодкор Алишер Тоировнинг "Газета – ўқиш учун чоп этилади" номли китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот

Маълумки, газета ўқиш кишида мутлоаа кўникмасини ҳосил қилади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, газета ўқимайдиган авлод китоб ўқидан ҳам йироқлашади. Шундай экан, босма нашрлар тақдирига бефарқлик ёш авлоднинг саводхонлик даражасига ҳам салбий таъсир қилиши аниқ. Муаллифнинг шу каби фикрлари ўрин олган китобда газеталарнинг ҳаётимиздаги ўрни, уларнинг бугунги аҳоли ҳақида қуюнчақлик билан ёзилган. Кези келганда ёшларни газета ўқишга, уни хурмат қилишга чорловчи мулоҳазалар баён этилган.

Тақдимотда сўзга чиққанлар янги китоб ҳақида ўз фикрларини билдириб, ёш қаламкашнинг ижодига баркамоллик тилашди.

– Кўпчиликда нима учун илк китобимни айнан газеталарга бағишлаганим тўғрисида савол туғилиши мумкин, – дейди

муаллиф. – Менга раҳматли бувам Абдулҳақжон Тоировни кўриш, кўлларида ушлаб юриш насиб этмаган. Буважонимни "Тошкент ҳақиқати" газетасида чоп этилган Мирза



Аҳмедовнинг мақоласи орқали таниганман. Суратларини ҳам илк марта ушбу газетанида кўрганман. Ўша пайтдан бошлаб, газеталарга меҳрим ўзгача. Бу китоб ҳам газеталарга бўлган хурматимнинг рамзи сифатида дунёга келди.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга янги китоб тўхфа этилди.

Ўз муҳбиримиз



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Umrat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEVA

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEVA

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 22.00

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1031.

5 106 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta "Toshkent haqiqati" tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456



Куз саховати

Тошкентда анор пишди.
Жалолiddин ЭСОHOV олган сурат

Кўргазма "ТАРИХИНГДИР, МИНГ АСРЛАР..."

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида рангтаърихчи рассом Раҳимжон Ризомухамедовнинг 70 йиллик юбилейига бағишланган "Тарихингдир, минг асрлар" номли кўргазма очилди.



Экспозициядан рассомнинг турли йилларда яратган 200 дан ортиқ ижод намуналари ўрин олган. Асарларда йил фасллари, юртимиз ҳудудларининг бетакорр табиати манзаралари, тарихий-мезморий ёдгорликлар, атоқли арбобларнинг портретлари, заминимиз неъматлари акс этган.

Рассом ижодиди Тошкент вилояти мавзусига кўп бора мурожаат қилган. Мазкур кўргазмада намойишга қўйилган "Олтин Оқтош", "Оқтошда олтин куз", "Оқтошда баҳор", "Оқтошда куз", "Оқтош манзараси", "Кумушконда баҳор" каби асарлари шулар жумласидандир. Рассом Р. Ризомухамедов П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти ва Тошкент Театр ва рассомлик институтида тахсил олган. Аспирантурада ўқиб, доцент илмий даражасига эришган. Қирқ йилдан бери Камолiddин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга сабоқ бериб келмоқда. Р. Ризомухамедов Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси. Кўргазма жорий йил 6 октябрдан 12 октябрга қадар бўлиб ўтди. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Мана гап

Агар сен барча иштибоқларга эшигингни беркитсанг, ҳақиқат ҳам ташқарида қолади.

Рабиндранат ТАГОР

Ҳамиша шундай бўлавермайди...

Ибрат

Бир куни кўчада паришон юрган киши йўл четидида ўтирган кекса одамни кўриб қолди. У мўйсафиднинг қаршисига келиб, сўради: – Отаҳон, улуғ ёшли инсон экансиз, анчагина ҳаёт таърибасига эгасиз. Айтинг-чи, мана, мен ёш ва кучлиман, аммо ҳеч қаердан иш топа олмаяман. Ўғлим гиёҳвандликка берилди, қизимни ҳам яхши тарбиялай олмаяман, аёлим эса кун бўйи уйда ўтирса ҳам, ҳеч қаерга қарамайди. Хўш, мен бу вазиятда қандай йўл туттишим керак? Нима қилсам, вазиятни ўзгартироламан?

Қария жавоб берди: – Эшигинг тепасига кичкинагина тахтача осиб, унга "Ҳамиша шундай бўлавермайди" деб ёзиб қўй. – Шу холосми? – ҳайрон бўлди йўловчи. – Шу холос, – жавоб қилди қария. У уйига бориб, қария айтгандек қилди. Бир муддат вақт ўтгач, унинг ўғли гиёҳвандликни ташлади, ҳатто қилган иши гуноҳ эканини тушуниб, тавба қила бошлади. Қизи ҳам эҳсулани йиғиб олиб, оила қурди.

Аёли ҳам ўзгариб, рисоладаги бекага айланди. Эракнинг ўзи эса сардаромад ишга жойлашди ва кўп ўтмай, ҳатто машина сотиб олди. Қўнларнинг бирида у яна ўша таниш кўчадан ўтиб бораётди, икки йил олдин кекса мўйсафидни учратган жойда тўхтади. Қария ҳали ҳам ўша ерда ўтирганди. Эрак машинадан тушмаган ҳолда, ойна ортдан сўз қотди: – Ҳа, бобой, ҳалиям ўтирибсизми? Мен эса кўриб турган

линиши билан тугашидир", дейилади хабарда. Аввалроқ Каталония клуби ўзига нисбатан бошланган суд тергови ҳақида расмий хабар олмагани ва ҳозирча жамоатчиликка баёнот бермаслигини билдирган эди. "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Сухробжон САДИРОВ тайёрлади

